

Киберхафсизлик - шахс ва маълумот хафсизлиги



Дунё миқиёсида ахборот технологияларининг ривожланиши, XXI аср – ахборот технологиялар асри бўлганлиги, инсонларга қанчалик қулай бўлган бўлса, шунчалик уларнинг ҳаёти ва шахсий маълумотларига бўлган хафсизликнинг камайишига олиб келди. Инсонлар ўртасида электрон пуллар ишлатилиб уларнинг қанча қулийлиги ортган бўлса, уларга нисбатан ҳужум ҳам шу даражада ортди. Айнан ушбу соҳалардаги хафсизлик “Киберхафсизлик” билан таъминланади.

Кибормаконда содир бўлаётган жиноятлар сони ҳозирги кунга сезиларли даражада ошди. Кибормакондаги жиноятларнинг бошқа жиноятлардан фарқи бу жиноятни шахс масофадан содир қиласди, инсон бу жиноятни ўз кўзи билан кўрмайди, бу жиноятда инсон ҳаётига эмас балки маълумотларига ҳужум бўлади. Шунинг учун бу каби жиноятларга қарши курашиш учун мамлакатда самарали иш олиб борувчи органлар тизимини яратишни тақаззо қиласди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам шу кунгача “Киберхафсизлик” масаласи бўйича қонун ҳужжатлари етарли даражада эмас эди. Чунку бу тушунча ва бу каби жиноятлар яқин ўтган йилларда жуда авж олиб кетди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, кибержиноятларни олдини олиш, киберхужумдан ҳимояланиш мақсадида Олий Мажлис томонидан 15.04.2022 йил санасида “Киберхафсизлик тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди ва кучга кириш санаси 17.07.2022 йил санаси этиб белгиланди.

Қабул қилинган қонунда киберхафсизлик соҳасидаги муҳум тушунчаларнинг тўлиқ маънолари очиб берилди. Қонунда киберхафсизлик соҳасидаги муносалатларни ўз принсплари орқали тартибга солиш белгиланди. Бу принципларни қонунийлик; кибормаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги; киберхавфсизлик соҳасини тартибга солишга нисбатан ягона ёндашув; киберхавфсизлик тизимини яратишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокининг устуворлиги; Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизликни таъминлашда халқаро ҳамкорлик учун очиқлиги каби принциплар ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматига киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва давлат дастурларини ишлаб чиқиши, киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши, киберхавфсизлик ҳодисалари юзасидан тезкор-қидирув тадбирларини, терговга қадар текширувларни ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш, киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни, шу жумладан уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни кўриши, фавқулодда вазиятларда ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш ҳамда киберхавфсизлик соҳасидаги бошқа масалалар бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган режаларни ишлаб чиқиши, киберхавфсизликни таъминлашга доир ишларни, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси обектларида киберхужумларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир ишларни ташкил этиши, муҳим ахборот инфратузилмаси обектларининг киберхавфсизлигини таъминлашга доир талабларни белгилаши каби бир қанча янги вазифалар юклатилди.

Киберхафсизликни таъминлаш мақсадида киберхафсизлик субектларининг ўз киберхавфсизлигини таъминлаш мақсадида ваколатли давлат органидан кибертаҳдидлар, дастурий таъминотдаги, ускуналар ва технологиялардаги заифликлар тўғрисидаги маълумотларни олиши, киберхужумлардан ҳимоя қилиш воситалари ва усувлари, шунингдек уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш усувлари тўғрисида ваколатли давлат органидан маълумотлар ва маслаҳатлар олиши ўз киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириши каби ҳуқуқлари белгиланди.

Бу каби қонунинг қабул қилиниши мамлакатимизда киберхафсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликни олдини олиш бўйича муҳим асос бўлиб зимат қиласди. Зеро шу қонун орқали кибержиноятчилик ва киберхужумни олдини олининши ушбу қонун ҳужжатининг бизга нақадар муҳим эканлигини исбот қилиб кўрсатади.

Олтинсой туман адлия бўлими бошлиғи Н.Холиёров